

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ 102-41  
2019 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
урта махсус таълим вазирининг  
2019 йил “1” ноябр даги  
1023 - соили бўйруғи билан  
тасдикланган.

“Рангтасвир (турлари бўйича)”

йўналиш бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта  
тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬЯТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаши ва малака ошириши курсининг ўкув дастури Олий ва ўрта  
махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2019 йил 18.10. даги 5 -сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар: "Ўзбекистоннинг миллый тикланишдан миллый юксалиш боскичида олий  
таълим вазифалари" модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф.  
И.Саифзаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.

"Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хукукий  
хужжатлари" модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчинева, доц.  
в.б. А. Раҳмонов.

"Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш" модули: п.ф.д.,  
проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта  
ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов, А.Тураев, М.Матназарова, Н.Ҳакназарова,  
М.Инназаров, Д.Кушарбас.

"Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот  
майдонини тақомиллаштириш" модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова,  
п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар  
А.Обидов, И.Чорисев, А.Хошимов, Г.Отамуродов.

"Амалий хорижий тилини ўрганишининг интенсив усувлари" модули: катта  
ўқитувчилар Ф.Бойсарисева, Н.Джабборова, Ш.Файзулаева, У.Гиясова.

"Таълим жараённи бошқаришда тизимли таҳлил ва карорлар кабул  
килишининг замонавий технологиялари" модули: т.ф.д., проф. А.Юлдашев,  
п.с.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

Махсус фанлар бўйича: проф. Р.Худайберганов, сан.ф.н. доц. Д.Курязова, доц.  
У.Зуннунова, кат ўқит. М.Савочкин.

Хорижий эксперт: Таджун Иун (Лужин Иун)- Ўзбекистондаги Корея Халкаро  
хамкорлик агентлиги (КОICA) томонидан шартнома асосида МРДИ "Миниатюра  
ва китоб графикаси" кафедрасида волонтер ўқитувчи.

С.Абдуллаев – МРДИ "Дасттоҳли рафтасвири" кафедраси профессори,  
академик.

Ўкув дастури Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кенгашининг қарори билан  
тасдиқга тавсия килинган (2019 йил 27/11 даги 4 -сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хукуқий хужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Тасвирий ва амалий санъат фанларида замонавий компьютер графикаси ва мултимедиа технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Оммавий маданиятга қарши курашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли таҳлили.

## **VI. Махсус фанлар.**

6.1. Санъат асарларини бадиий ҳис қилиш психологияси.

6.2. Рангтасвирда илғор тенденциялар ва ёндашувлар.

6.3. Арт бозор тадқиқотлари.

## **VII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:**

- “Рангтасвир (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Рангтасвир (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- фазовий санъатларнинг бадиий воситаларини;
- шакл ва ҳажм орқали ҳис қилиш психологиясини;
- тасвирий санъатнинг ўзига хослигини;
- тасвирий санъатда рангтасвирнинг ривожланиш босқичларини;

- арт маркетинг масалаларини;
- арт бозор сегментациясини **билиши** лозим.

**Тингловчи:**

- санъат асарларидаги композицион ечим, мутаносиблик ва ритм воситаларини бадий ҳис қилиш;
- асарлардаги нур, соя, ёруғлик хусусиятларининг ҳис қилишга таъсирини ўрганиш;
- рангтасвирнинг турли кўринишларида психологик таъсирчанликни билиш;
- тасвирий санъатда бадийликдан фойдаланиш;
- тасвирий санъат маркетингида маркетинг миксни шаклантириш;
- маркетинг микснинг Product ва Price элементларини тахлил қилиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- томошабин диққатини жамлаш;
- бадий фикрлаш;
- тасвирий санъат ривожланишида оқим ва услублардан фойдаланиш;
- рангтасвирда ижодий тафаккур юрита олиш ва тахлил этиш;
- арт бозорни қўллаб қувватловчи секторини аниqlаш;
- маркетинг микснинг Product ва Price элементлари тахлил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- рангларнинг инсон рухиятига таъсирини санъат асарлари орқали ифодалаб бериш;
- тасвирий санъатда дастгоҳли рангтасвир композицияси орқали ижодий тафаккур юрита олиш;
- рангтасвирнинг турли кўринишларида психологик таъсирчанликни қўллай олиш;
- санъат соҳаси ташкилотларини стратегик бошқариш;
- хусусий талаб ва корпоратив коллекциялаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажralмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил

12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“РАНГТАСВИР (ТУРЛАРИ БҮЙИЧА) ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

#### **1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тӯғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристи. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқа хизмат қиласин” гояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар

қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.**

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмuni. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёsatининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараёнida гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илфор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиши методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

### **2.2. Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси.**

Ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида шахс имкониятлари. Тасвирий ва амалий санъат фанларининг ўқитишни замонавий методлари. Тасвирий ва амалий санъат асарларини ўқитишда замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланиш. Рангтасвир, графика, дизайн, ҳайкалтарошлиқ ва амалий санъат фанларини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методлари. Тасвирий ва амалий санъат фанларини ўқитишда презентация, услубий кўрсатма ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш.

## **III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот

майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булатли технологиялар. Google булатли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурйи воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

### **3.2 Тасвирий ва амалий санъат фанларида замонавий компьютер графикаси ва мултимедиа технологиялари.**

Рақамли санъат. Компьютер графикасининг турлари ва уларнинг тасвирий ва амалий санъатда ишлатиш хусусиятлари. Adobe Photoshop ва Corel Photo-Paint растрли график мухаррирлари. Corel Photo-Paintда растрли тасвирларни яратиш имкониятлари. CorelDraw векторли график мухаррири. Онлайн график мухаррирлари Pixlr, 3D мухаррири. Recolored график мухаррири. Растрли ва векторли тасвирларни яратиш. Расмларни растрлаш ва трассировка қилиш. Турли форматларда расмларни экспорт ва импорт қилиш. Растрли ва векторли графикаларидағи бадиий эффектларни қўллаш.

Онлайн Галлереялар. График файлларни ҳостинг сайtlари.

## **IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мuloқot компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мuloқot стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме

тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сұхбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, қашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

## **V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

### **5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитищдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқариши интеграциялаш; иктидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усувлар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усувлари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қуйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологияк жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

### **5.2. Оммавий маданиятга қарши курашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли таҳлили.**

“Оммавий маданият” – анъанавий маданият кушандаси, миллий маданият ва санъат соҳамизга таҳдид сифатида. Санъат соҳаси ходимлари учун маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг долзарблиги. Бугунги глобаллашув шароитида маънавий ва мафкуравий соҳаларда бўлаётган таҳдидлар ва уларга қарши санъат соҳаси ходимларининг онгиди мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари. Маънавий ва мафкуравий таҳдидларни аниқлашда тизимли таҳлилнинг услуг ва услугбиятидан фойдаланган ҳолда қарор қабул қилиш. Иллатни қадриятга айлантириш механизми, ёхуд “Овертон ойнаси” (имкониятлар ойнаси) технологияси.

## **VI. МАХСУС ФАНЛАР.**

### **6.1. Санъат асарларини бадиий ҳис қилиш психологияси.**

Фазовий санъатларнинг бадиий воситалари. Фазовий санъатларни ҳис килиш. Шакл ва хажм орқали ҳис қилиш психологияси. Рангларнинг инсон

рухиятига таъсири. Санъат асарларидаги композицион ечим, мутаносиблик ва ритм воситаларини бадий ҳис қилиш. Асарлардаги нур, соя, ёруғлик хусусиятларининг ҳис қилишга таъсири. Томошабин диққатини жамлаш. Бадий фикрлаш хусусиятлари. Рангларнинг инсон рухиятига таъсирини санъат асарлари орқали ифодалаб бериш.

### **6.2. Рангтасвирида илғор тенденциялар ва ёндашувлар.**

Тасвирий санъатнинг ўзига хослиги. Тасвирий санъатда рангтасвирининг ривожланишиш босқичлари. Рангтасвирининг турли кўринишларида психологик таъсирчанлик. Тасвирий санъатда бадийлик. Тасвирий санъат ривожланишида оқим ва услублар. Рангтасвирида ижодий тафаккур юрита олиш ва таҳлил этиш. Тасвирий санъатда дастгоҳли рангтасвир композицияси орқали ижодий тафаккур юрита олиш.

### **6.3. Арт бозор тадқиқотлари.**

Арт маркетинг масалалари. Замонавий арт бозор. Арт бозор сегментацияси. Арт маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши. Тасвирий санъат маркетингида маркетинг миксни шакллантириши. Маркетинг микснинг Product ва Price элементлари таҳлили. Коллекциялаш: мотивация ва истъемол қилиш модели. Санъат соҳаси нотижорат ташкилотларини молиялаштиришнинг хорижий тажрибаси. Ҳомийлик бозорлари таҳлили. Хусусий талаб ва корпоратив коллекциялаш. Санъат соҳаси ташкилотларини стратегик бошқариши. Маркетинг микснинг Product ва Price элементлари таҳлил этиши. Арт бозорни кўллаб қувватловчи секторини аниқлаш.

## **VII. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битириув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил

холда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъододли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар груҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

- 1.** Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
- 2.** Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
- 3.** Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

- 4.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
- 5.** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
- 6.** Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
- 7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
- 8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
- 9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
- 10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
- 11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
- 12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
- 13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
- 14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини

тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиилар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition.

Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.

31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.

32. Абдурасилов С.Ф. Тасвирий санъат ўқитиши методикаси. Ўқув қўлланма. -Т.; “Илм зиё”. 2018.

33. Ахмедов М. ,Ўлмасов К., Мансуров Н., Амалий санъатда композиция. Ўқув қўлланма.-Т.; “Илм зиё”. 2017

34. Дон Норман. Дизайн привычных вещей. –М.: 2018. 103 стр.

35. Натали Ратковски. Профессия иллюстратор. –М.: 2018.

36. Дэн Роэм. Визуальное мышление. –М.: 2017. 302 стр.

37. Темиров А. Амалий санъат. Ўқув қўлланма. -Т.; “Илм зиё”. 2017. 95 б.

38. Қодирхўжаев Ф. Бадий безак санъати. Монография. Тошкент. “Иқтисод молия” 2017 й.

39. Норматов Н. Ранглар юртига йўл: рассом Рустам Худайберганов портретига чизгилар. –Т.; “Ношир” 2018.

40. Усмонов О. Камолиддин Беҳзод. Монография. -Т.; “Илм зиё”. 2017. 95 б.

41. Жуманиёзов Ш., Хайтов Э. Чизматасвир. Ўқув қўлланма. –Т.; “Илм зиё”. 2018.

42. Жуманиёзов Ш., Хайтов Э. Рангтасвир. Ўқув қўлланма. –Т., “Info capital group”. 2018. 111 бет.

43. Жуманиёзов Ш., Хайтов Э. Рангтасвир. Ўқув қўлланма. –Т., “Info capital group”. 2018. 111 бет.

44. Худайберганов Р.А. Композиция. - Т.: Шарқ. 2007. – 235 б.

45. Худайберганов Р.А. Моҳобатли рангтасвир техника ва технологияси. - Т.: Фан ва технология. 2013. – 135 б.

46. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари.**

**47. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)**

**48. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)**

**49. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)**

**50. [www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/)**

**51. [www.learnenglishteens.britishcouncil.org/](http://www.learnenglishteens.britishcouncil.org/)**

**52. [www.learnenglish.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglish.britishcouncil.org/en/)**

53. [www.mrdi.uz](http://www.mrdi.uz)
54. [www.muzeyart.uz](http://www.muzeyart.uz)
55. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
56. [www.uzdsmi.uz](http://www.uzdsmi.uz)
- 57. [www.uzdsmimarkaz.uz](http://www.uzdsmimarkaz.uz)**



**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширатни ташкил этиш  
Бош шамлои-масийи маркази

Директор \_\_\_\_\_ Шоймардонов

“ \_\_\_\_\_ 201\_ й.

М.У.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти

Ректор \_\_\_\_\_ И.Ж.Юлдашев

201\_ й.

М.У.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти хузуридаги Педагог  
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш Тармок маркази

Директор \_\_\_\_\_ Т.Р.Файзиев

“ \_\_\_\_\_ 201\_ й.

М.У.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Маданият вазирлиги  
Таълим муассасалари  
ва тармокларий методик  
тавминлари бошкармаси

Бошлиғи \_\_\_\_\_ С.Х.Мадиев

“ \_\_\_\_\_ 201\_ й.

М.У.

